

## **Педагогика психология ва ўқитиши методикаси кафедраси**

**МАВЗУ: МЕХНАТ ТАРБИЯСИДА  
ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРНИНГ  
ЎЗИГА ХОС ХУСУИЯТЛАРИ**

**П.ф.д., проф. З.К.Исмаилова  
.**

# Режа:

1. Баркамол авлодни тарбиялашда меҳнат ва меҳнат тарбиясининг ўрни ва зарурияти.
2. Меҳнат тарбиясининг мазмунни ва моҳияти.
3. Меҳнат тарбиясида тарбияланувчиларнинг ўзига хос хусусиятлари
4. Узлуксиз таълимнинг касбий йўналишлари.

Педагогика фани меҳнат тарбиясини ташкил қилишда бир нечта талаблар қўяди:

Жумладан, меҳнатнинг ижтимоий ахлоқий аҳамиятига алоҳида эътибор бериш, меҳнат ўқувчининг ёши, ҳаёт тажрибаси ва имкониятларига мос бўлиши, уларнинг меҳнат фаолиятлари ижодий ҳаракатда бўлиши, ўз вактида турли касблар ҳақида маълумотлар бериб борилиши, меҳнат аҳллари билан доимо сухбат ва учрашувлар ташкил қилиш кабилар.

✓ **Меҳнат** – инсон эҳтиёжини қондириш асосида ташки оламни ўзгартиришга қаратилган мақсадли фаолият бўлиб, у инсон фаоллигининг англанган бир турига киради.

**Мутахассислик** – фаолият шакллари бирлашмаси бўлиб, мазмун, воситалар, ташкилотлар, меҳнат натижалари ҳамда меҳнат субектини тайёрлашга қўйиладиган талаблар мажмуини ташкил этади. Бу тушунчада **меҳнат фаолиятининг турли томонлари ва турли даражаси акс** эттирилади:

- 1) меҳнат обекти ва предмети, унинг мазмуни, шартлари ҳамда ташкилий жиҳатлари;
- 2) мақсадли вазифа ва меҳнатнинг натижавий характери;
- 3) меҳнат эгасининг хусусиятлари – унинг билимлари, малака, кўникма, қобилияtlари;
- 4) иқтисодий ва ижтимоий томонлари – ишга жойлашиш, моддий эҳтиёжларни қондирилиши, ижтимоий мавқенинг тасдиқланиши;
- 5) фаолият тури.

## **МЕҲНАТ ТАРБИЯСИННИГ ВАЗИФАЛАРИ:**

Меҳнат тарбиясининг асосий вазифаларига қўйидаги муаммолар бўйича амалий тавсияларни ўрганиш ва ишлаб чиқиш киради:

- Касбий фаолият муайян турларининг психологик хусусиятлари ( унинг воситалари, мазмуни, ташкил этиш ва шарт-шароитлар, хатолар таҳлили, касблар класификасияси ва бошқалар);
- Шахс индивидуал-психологик хусусиятларини меҳнат самараси, муваффақияти ва хавфсизлигига таъсири;
- Шахс касбий лаёқати шаклланишининг қонуниятлари (касбга йўналтириш, касбий танлов, касбий тайёргарлик, меҳнатга мослашув);
- Меҳнат кишисининг функционал ҳолати (толикиш, эмоционал зўриқиши, стресс, монотония ва бошқалар) ва уларни диагностика, профилактика ва коррексия қилиш усуллари;
- Инсон ва техника муносабатларининг асосий қонуниятлари;
- Янги техникани яратиш ва қўллаш жараёнининг инженер-психологик таъминоти (лойиҳалаш, баҳолаш).

**Англанганлик**

*Бадий қадриятлар-  
нинг яратилиши ва  
қўлланиши*

*Маълумотга  
йўналганлик*

**МЕҲНАТНИНГ  
ФУНКЦИЯЛАРИ**

*Коммуникативлик*

*Қадриятларга  
йўналганлик*

**Функциялар**

*Меҳнат функцияларининг самарали амалга ошиши қуидаги омилларга боғлиқдир:*

- 1) муайян фаолият учун лаёқатли кишиларни танлаш;*
- 2) касбий тайёргарлик;*
- 3) меҳнат жараёнини ташкил этиши ва расионал шароитлар;*
- 4) меҳнат қуролларининг қулайлиги ва самарали эканлиги;*
- 5) иш кўламига инсон имкониятларининг мос келиши;*
- 6) меҳнат хавфсизлиги тизими, касбий саломатлик ва умрни саклаш, ишга лаёқатликни психологик қувватлаш.*

# Меҳнат фаолиятини ташкил этувчи компонентлар тузилмаси

## *Меҳнат фаолияти*

**Меҳнат субъекти**  
Меҳнат фаолиятини бошқариш ва таъминлаш

**Меҳнат шартлари**  
Физика-кимёвий ва ижтимоий мухит

**Меҳнат мазмуни**  
Меҳнат вазифаларини амалга ошириш жараёни ва усуллари

**Меҳнатни ташкиллаштириш**  
Меҳнат вазифалари бажарилишининг давомийлиги, кўлами ва тартиби

**Меҳнат воситалари**  
Фаолиятнинг материал (асбоб-ускуналари, машиналар) ва функционал (нутқ, имо-ишоралар) куроллари

# МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИ ТИЗИМИНИНГ ТУЗИЛМАВИЙ ЧИЗМАСИ



# Меҳнат фаолиятини ўрганиш методлари

- 1) аниқ фаолиятнинг ўзига хос томонлари билан танишиш учун *иши ҳужжатларини таҳлил этиши*;
- 2) фаолият мазмунига оид маълумотни визуал тўплаш учун *иши жараёнини кузатиши*;
- 3) *хронометраж*, меҳнат жараёнининг айрим кўрсаткичларини баҳолаш;
- 4) меҳнат кишисидан ёзма ёки оғзаки равишда маълумот олиш учун *суроў* (анкета, сухбат, эксперт баҳолаш) методи;
- 5) меҳнат вазифаларини бажаришга оид шахсий тасаввур, фикр, кечинмаларни *ўзида кузатиши ва ўзида ҳисоботи*;
- 6) меҳнат фаолиятига қўйилган экспериментатордан фаолиятга оид маълумотларни олиш учун *меҳнат методи*;
- 7) шахснинг ҳаётий ва фаолиятга оид маълумотларини таҳлили учун *биографик метод*;
- 8) фаолият шароитларини ўрганиш учун *физиолого-гигиеник методлар*;
- 9) меҳнат субъективнинг психологик хусусиятларини ўрганиш учун *тажриба(табиий ва лаборатория )методи*.

## **КАСБЛАР КЛАССИФИКАСИЯСИ**

Касблар классификасиясига оид луғатларни кўриладиган бўлса, у холда 7000 дан 35000 гача касблар мавжуд эканлиги кузатилади. Психологияда илмий-амалий вазифаларни ечиш учун бу касбларни систематизасиялаш, уларни қандайдир касбий ва психологик белгиларга кўра тақсимлаш ва қиёслаш керак бўлади.

Е.А.Климов томонидан “**КАСБЛАРНИНГ ТЎРТ ХИЛ ДАРАЖА”СИ**” таклиф этилган.

Унга кўра, *биринчи даражага* обект тизимини инобатга олиб, беш хил тоифадаги касблар киритилган:

- 1) ОДАМ-ТАБИАТ (О-ТА) – АГРОНОМ, МИКРОБИОЛОГ, ...;
- 2) ОДАМ-ТЕХНИКА(О-ТЕ) – МЕХАНИК, ОПЕРАТОР, ПАЙВАНДЧИ, ...;
- 3) ОДАМ-ОДАМ(О-О) – ВРАЧ, ЎҚИТУВЧИ, СОТУВЧИ, ...;
- 4) ОДАМ-БЕЛГИЛАР СИСТЕМАСИ(О-БС) – МАТЕМАТИК, РЕДАКТОР,...;
- 5) ОДАМ-БАДИЙ ОБРАЗ(О-БО) – ДИРИЖЁР, МУСАВВИР, АРТИСТ,

# **ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Хўжаев Н., Хошимова М., Ҳакимова М. ва бошқалар. Педагогика. (дарслик) – Т.: ТДИУ, 2007.
2. Нишоналиев У. Турсунов И. «Педагогика курси» дарслик. Т. «Ўқитувчи» 2003. – 231 б.
3. Педагогика профессионального образования. Под. ред. В.А.Сластенина. Москва «Академія».2004.
4. Бордаская Н.В., Реан А.А. Педагогика.-М.: «Питер», 2004
5. Подласый И.П. Педагогика: Учебник. – М.: Юрайт.-Издат, 2009.
- 6.Педагогика. В.А.Сластенин, И.Ф.Исаев, А.И.Мищенко, Е.Н.Шиянов. Москва. «Школьная пресса». 2004.
7. Исмаилова З.К. Педагогика. Дарслик. Т.: “Молия”, 2008.
- 8.Шодмонова Ш, Хошимова М, Файзуллаева Н.”Тарбиявий ишлар услубиёти”. Ўқув қўлланмаси.-Т.: ТДИУ,2007, 178 б.
- 9.Шодмонова Ш, Тилабова Н. ”Тарбиявий ишлар услубиёти” курси бўйича таълим технологияси. Услубий қўлланма/ ”Иқтисодий тарбиядаги ўқитиш технологияси сериясидан”.-Т.:ТДИУ,2006-220
- 10.Шодмонова Ш, Тилабова Н. ”Тарбиявий ишлар услубиёти” курси бўйича ўқув услубий мажмуа. Услубий қўлланма/ ”Иқтисодий тарбиядаги ўқитиш технологияси сериясидан”.-Т.:ТДИУ,2006-220

## **VIII.Интернет сайтлари**

- 1.[www.glef.org](http://www.glef.org). Джордж Лукаснинг Таълимнинг фонди.
2. [www.newhorizons.org](http://www.newhorizons.org). Таълимнинг янги уфқлари.
3. [www.rhecherswithoutborders.org](http://www.rhecherswithoutborders.org). Чегарасиз ўқитувчилар.
4. [www.thelearningweb.net](http://www.thelearningweb.net). Таълим тармоғи.
5. [www.inetlibrary.com](http://www.inetlibrary.com). Интернет-кутубхона



Эңтибор ингиз  
учун рахмат!!!

05.05.2014 йил.